ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.TAR.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН 07.00.07 – ЭТНОГРАФИЯ, ЭТНОЛОГИЯ ВА АНТРОПОЛОГИЯ ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗИЕВ НАБИЖОН НОРМУРОДОВИЯ

ЎЗБЕКЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ
(тарихий-этнологик тадқиқот)

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УДК: 394.944:1721:008(584.4)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Нарзиев Набижон Нормуродович
Ўзбекларнинг анъанавий мулоқот маданияти
(тарихий-этнологик тадқиқот) 3

Нарзиев Набижон Нормуродович
Традиционная культура общения узбеков
(историко-этнологическое исследование) 25

Narziev Nabijon Normurodovich
Traditional uzbek communication culture
(historical and ethnological research). 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works. 51

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.TAR.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН 07.00.07 – ЭТНОГРАФИЯ, ЭТНОЛОГИЯ ВА АНТРОПОЛОГИЯ ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗИЕВ НАБИЖОН НОРМУРОДОВИЯ

ЎЗБЕКЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ
(тарихий-этнологик тадқиқот)

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tar63. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-tarix.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Аширов Адҳамжон Азимбаевич** тарих фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Абдуллаев Улуғбек Сайданович** тарих фанлари доктори, профессор
	Қурбонова Манзила Боқиевна тарих фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория. Тел.: +99871 227-12-24; факс: +99871 246-53-21, +99871 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино. Тел.: +99871 236-46-55; факс: +99871 246-02-24).

Диссертация автореферати 2022 йил «____»_____куни тарқатилди.
(2022 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Х. Э. Юнусова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси в.б., т.ф.д., профессор

Б. Б. Хайназаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.ф.д. (PhD)

Н. У. Мусаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий глобаллашув жараёнларида ахборот-телекоммуникация тизимининг ривожланиши натижасида миллатларнинг этник феъл-атвор асосини ташкил этувчи, оила ва жамоавий муносабатларни тартибга солувчи анъанавий мулоқот маданияти ўзгариб, уларнинг ўрнида умуммаданий қадриятлар салмоғи ортиб бормоқда. Натижада, оила давраси ва жамоавий муносабатларда миллий мулоқот маданияти талаблари камайиб, авлодлар ўртасида ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишга сабаб бўлмоқда.

Сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида ижтимоий муносабатларни ўрганишга бағишланган халқаро дастурларни ишлаб чиқиш миллий ва умуминсоний этикет[1] тизимларини тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Дунёнинг ривожланган давлатларида Ижтимоий ва ахлоқий фан маркази (Center for Social and Behavioral science CSBS, USA.), Кеннеди номидаги этика институти (The Kennedy Institute of Ethics, USA), Вашингтон этикет институти (The Etiquette Institute of Washington, USA), Этика ва жамият институти (Institute for Ethics and Society, Australian), Лондон этикет мактаби (London School of Etiquette, England), Маданият ва этикет ассоциацияси, (Ассоциация Культуры и этикета, Россия), Ижтимоий хулқ-атвор илмий маркази (Social Behavior research center, Poland) кабиларда мулоқот маданиятининг турли йўналишлари ва масалаларига доир кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда миллий мулоқот маданиятининг этнолокал хусусиятларини тадқиқ этишда ўзбекларга хос этник қиёфа тавсифи, оила, қариндошлик ҳамда жамоавийликка оид мулоқот маданиятидаги ворисийлик ва ундаги ўзгаришлар динамикасини аниқлаш ҳамда илмий хулосаларни беришни тақозо этади. Ўзбек мулоқот маданиятини илмий тадқиқ этиш номоддий маданий бойликлар ва ижтимоий ҳаётга оид эмпирик билимлар ҳақидаги қарашларни ўрганишга замин яратади.

Мулоқот маданиятидаги одатлар ва анъаналар инсоният ривожининг дастлабки босқичида пайдо бўлиб, аста-секинлик билан тараққий этиб борган. Шу боисдан, анъанавий мулоқот маданиятини халқнинг маданий бойлиги сифатида ўрганиш этнос тарихи, анъаналарнинг минтақавий хусусиятлари, этнослараро муносабатлар ва маданий интеграция жараёнларини тадқиқ этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «Оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги[2], 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш

[1] Этикет (фр. etiquette – ёрлиқ) – одамларга муносабатнинг ташқи кўриниши (бошқаларнинг муомаласи, мурожаат ва саломлашиш шакллари, жамоат жойларида хулқ-атвор ҳамда кийим-кечак билан боғлиқ хулқ-атвор қоидалари мажмуи. Бу ҳақда қаранг: Кон И. С. Словарь по этике. – М.: Политиздат, 1981. – С. 412.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «Оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-3808-сонли Қарори // https://lex.uz/docs/3797625.

бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги[3], 2020 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги[4], 2021 йил 26 мартдаги «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги[5] Қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» дастурининг устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Ўзбекларнинг анъанавий мулоқот маданияти долзарб мавзулардан бири бўлганлиги боис ушбу йўналишда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Мавзу доирасида эълон қилинган ишларни муаммовий ёндашув асосида қуйидаги тўртта гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Мулоқот маданиятининг назарий-услубий асослари ва илмий тавсифига бағишланган ишлар.

2. Россия империяси ва совет даврида эълон қилинган мавзуга доир адабиётлар.

3. Мустақиллик йилларида чоп этилган нашрлар.

4. Мавзу доирасида нашр этилган хорижий адабиётлар.

Биринчи гуруҳ адабиётлари сирасига мулоқот маданиятининг назарий-услубий асослари ва илмий тавсифига бағишланган илмий изланишларни мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур тадқиқотларда *«мулоқот хулқи», «этикет маданияти», «нутқ одоби», «нутқ одати», «тил маданияти», «мулоқот этикети», «коммуникатив хулқ», «мулоқот коммуникацияси», «коммуникатив сценарий», «коммуникатив андоза»* каби мулоқот маданиятига оид атамаларнинг илмий тавсифи, қўлланилиш тартиби, луғавий маъноси, ўзаро ўхшаш ёки фарқли жиҳатлари очиб берилган.

Иккинчи гуруҳ адабиётларда ўзбеклар мулоқот маданиятининг этнолокал хусусиятларини ўзида акс эттирувчи бой этнографик маълумотлар, келтирилган.

---

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4307-сонли Қарори // https: // lex.uz/docs/4320700.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4602-сонли Қарори // https: //lex.uz/docs/4740335.

[5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5040-сонли Қарори // https://lex.uz/docs/ 5344692.

Учинчи гуруҳ адабиётларда ўзбек этикет маданиятининг миллий хусусиятларига оид қарашлар кўпроқ акс этган. Мазкур илмий изланишларда ўзбеклар мулоқот маданиятининг шаклланиши ҳамда ривожланиш тарихи, ўзбеклар этнолингвистикаси, этнопедагогикаси ва этнопсихологиясига оид компонентлар, мулоқотнинг семиотик аспектлари, унинг моддий ҳамда маънавий турмушда акс этиши каби маълумотлар қайд қилингани билан ажралиб туради.

Тўртинчи гуруҳ адабиётларида мавзунинг хорижий тадқиқотларда акс этиши ва унинг қиёсий таҳлили, ўзбеклар этнолингвистикасига оид изланишлар ҳамда мулоқот маданиятининг Марказий Осиё халқларига хос типик жиҳатлари ўрганилган. Ушбу илмий изланишларда мавзу асосий объект сифатида ўрганилмаган бўлса-да, тадқиқотларнинг таркибий қисмида бой тарихий-этнографик материаллар келтирилган. Мавзунинг ўрганилишига доир адабиётларнинг таҳлили ва батафсил шарҳи диссертациянинг биринчи бобида ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган ва 2017–2020 йилларда бажарилган Ф-1-88 – «Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ривожланишида бағрикенглик тамойилларининг роли (қадимги даврдан то ҳозирги кунгача)» фундаментал лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбекларнинг анъанавий миллий мулоқот маданиятини тарихий-этнологик материаллар асосида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мулоқот маданиятининг илмий асосдаги таснифи ва таърифини бериш;

мавзунинг ўрганилишига доир адабиётларни тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

ўзбек халқи мулоқот маданиятини тарихий-этнологик жиҳатдан очиб бериш;

миллий мулоқот маданиятидаги рамзий белгилар ва уларнинг этномаданий хусусиятларини ўрганиш;

ўзбекларда саломлашиш, сўрашиш ва хайрлашишнинг этномаданий жиҳатларини ёритиб бериш;

оила аъзолари ва қариндошлик муносабатларидаги мулоқот маданиятининг этноҳудудий хусусиятларни таҳлил қилиш;

ўзбек мулоқот маданиятини такомиллаштиришга хизмат қилувчи амалий таклиф ва мулоҳазаларни бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро ва Фарғона вилоятларида яшовчи ўзбекларнинг анъанавий мулоқот маданияти белгилаб олинди. Шунингдек, республиканинг бошқа ҳудудлари аҳолиси анъанавий турмуш

тарзига оид мулоқот этикетларидан қиёсий таҳлил сифатида ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек мулоқот маданиятидаги анъаналар ва улардаги трансформацион жараёнларнинг тарихий-этнологик таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда фанлараро ёндашув, тарихий-тизимли ва функционал тизимли таҳлил, анализ, синтез ҳамда этносоциологик (кузатиш, социологик сўровнома, интервью), социометрик сўров каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

мулоқот маданияти табиий-географик ҳудуд, тил, дин, хўжалик (деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик) муносабатлари, урф-одатларга боғлиқ тарзда шаклланиши, яқинлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, бирдамлик ҳамда жамоавийликнинг эса норасмий ижтимоий уюштирувчи мезони эканлиги аниқланган;

ўзбек «мулоқот семиотикаси»нинг этник ва ҳудудий (Бухоро воҳаси ва Фарғона водийси) хусусиятлари оилавий ва жамоавий турмуш тарзи билан боғлиқ мулоқотнинг лексик, семантик ҳамда имо-ишора (тана ҳаракатлари)ларидаги рамзий белгилари орқали очиб берилган;

ўзбекларнинг оилавий ва қариндошлик муносабатлари Ғарб менталитетига хос бўлган бола билан бир чизиқда бўлиш концепциясидан фарқли тарзда фарзандни ўз доираси марказида ушлаб туриш анъаналарига асосланганлиги далилланган;

ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги мулоқот маданиятининг локал ўзига хос структуравий жиҳатлари асосан вазият, сценарий, стратегия ҳамда андоза (модель) тизимларига боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

анъанавий мулоқот маданияти масалаларига оид назарий-услубий ёндашувлар ишлаб чиқилган, ўзбек оилаларида мулоқот этикетларининг этномаданий хусусиятларини таълим муассасалари томонидан истиқболли режаларни амалга оширишига доир таклифлар берилган;

этикет маданияти муаммосига доир қарашлар фанлараро ёндашув орқали таҳлил қилиниб, олинган хулосалар асосида мулоқот этикетларининг тарихийлик тамойиллари, ўзбекларнинг оила аъзолари ва қариндошлик муносабатларидаги этикет маданиятининг аҳоли ўртасида, айниқса. ёшлар тарбиясида татбиқ этиш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда этнология фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, дала этнографик маълумотлари билан биргаликда архив ҳужжатлари ҳамда илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги, уларнинг аксарияти мавжуд воқеиликка мос келиши, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан ўзбек миллий маданияти тарихи ва унинг ривожланиш босқичлари ҳамда мулоқот маданияти хусусиятларини ёритишда назарий-услубий далиллар тақдим этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда умумлаштирилган маълумотлардан «Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси»да белгиланган замонавий оилалардаги муносабатларда юзага келадиган салбий ҳолатларни олдини олиш, муомала маданиятининг аҳамиятига доир дастур ва ўқув амалий курсларини жорий этиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга зид бўлган ёт ғояларга қарши курашишга доир дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш, ўзбек мулоқот маданиятига оид рисола, монография ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мавзу юзасидан ишлаб чиқилган хулосалар ва таклифлар асосида:

оила аъзолари муносабатлари, шахслараро муносабатлар, яхши қўшничилик муносабатлари ва анъанавий оилавий қадриятларга ворисийлик асосида оила институтини мустаҳкамлашга оид маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 апрелдаги 228-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисида»ги Низомнинг 3 боб, 12 банд «б» қисмида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 13 ноябрдаги 02-02/2673- сонли маълумотномаси). Олинган натижалар маҳалла ва оилалардаги ижтимоий муносабатларни ўрганишнинг илмий таҳлилларини белгилаб олиш, миллий менталитетга зид бўлган ёт ғояларга қарши курашишга доир дастурларни ишлаб чиқишда хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1059-сонли ҳамда 2020 йил 6 июлдаги «Умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 422-сонли Қарорлари асосида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун «Тарбия» фанининг ДТС, малака талаблари ва ўқув дастурлари яратишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 11 ноябрдаги 06-06/3-1492-сонли маълумотномаси). Олинган натижалар умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг 7-синф «Тарбия» фанининг 4-боб «Муомала ва мулоқот асослари»; 19-мавзу: «Муомала учун зарур одоблар»; 20-мавзу: «Коммуникативлик – муваффақият калити»; 11-синф «Тарбия» фанининг 3-боб. 19–20-мавзулари: «Сурат ва сийрат»; 21–22-мавзулар ҳисобланган «Этикет»ни ёритишда фойдаланилган;

ўзбек мулоқот маданиятининг илмий-методологик тавсифи, мулоқот этикетларининг тарихий илдизлари, ўзбек оиласи ва унинг аъзолари орасидаги муносабатлардаги этник хусусиятлар, қариндошлик, қўшничилик ҳамда жамоавий муносабатлардаги мулоқот маданиятлари билан боғлиқ урф-одат ва маросимларнинг жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни, унда кузатилган трансформацион жараёнларга оид илмий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston tarixi» телеканали «Etno» кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон телерадиоканали» ДМнинг 2021 йил 09 ноябрь 02-40-1755-сон маълумотномаси). Бу ўзбек мулоқот маданиятининг тарихий босқичларига назар ташлаш ва миллий этикет маданиятининг ўзига хослигини тарғиб этишга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (6 та республика ва 2 та хорижий журнал) мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Мулоқот маданиятининг илмий-методологик тавсифи ва тарихшунослиги»** деб номланган биринчи бобида мулоқот маданиятини ўрганишга оид назарий-услубий ёндашувлар, мавзу тарихшунослиги ва ўзбек мулоқот маданиятининг тавсифига доир маълумотлар баён қилинган.

Мазкур бобнинг *«Мулоқот маданиятининг назарий-услубий асослари ва таснифи»* деб номланган биринчи параграфида мулоқот маданиятига доир назариялар, унинг асосий хусусиятлари ва ўрганишга оид ёндашувлар таҳлил қилинган.

Маълумки, мулоқот – миллат маданиятининг асосий компонентидир. «Мулоқот» атамаси арабча сўздан олинган бўлиб, «учрашиш», «кўришиш», «қабул қилиш» маъноларини англатади[6]. Мулоқот инсоният тарихида ижтимоий яшаш ва тараққиёт шароитида вужудга келувчи маънавий маданиятнинг бир қисмидир[7].

Мулоқот маданиятига лингвистика фани ўз тадқиқотларининг объекти сифатида қараса-да, мулоқот жараёнининг руҳий, миллий, ижтимоий, этнографик ва этноҳудудий жиҳатларига эътибор қаратилмаган. Мулоқот маданиятини тадқиқ этишда масалага турлича атамалар: «тил маданияти», «нутқ маданияти», «нутқ (тил) одоби», «мулоқот одоби», «мулоқот этикети» кабилар асосида ёндашилган ва улардан диссертацияни ёзишда зарур ўринларда фойдаланилди. Жумладан, «мулоқот этикети» тушунчаси ҳозирги кунда дастлабки тушунчасидан ташқари, инсонлар ўртасида кечадиган одоб-ахлоқ қоидаларинниг жамланмаси сифатида – атрофдагилар билан муомаласи, мулоқот шакли ва саломлашиш, жамоат жойларидаги хулқ-атворлар, хатти-ҳаракатлар ҳамда кийиниш назарда тутилади[8].

Этнолингвист Ф. де Соссюр мулоқот маданиятида семиология ёки белгилар фанининг асосларини шакллантирган. У семиотикани жамиятда инсонлар ўртасида қўлланиладиган рамзларни ўрганувчи фан деб изоҳлаган[9]. Семиотикашунос Ю.М. Лотман эса мулоқотдаги парадигмаларни ўзгартиришда рамзларнинг тутган ўрнини кўрсатиб берган[10]. Диффузионизм тарафдорлари орасида немис этнологи Р.Ф. Гребнер томонидан «Маданий доира»[11] назариясини илмий йўналиш сифатида илгари суриб, маданиятлар бир ерда пайдо бўлиб, турли алоқалар таъсирида бошқа ҳудудларга тарқалиши ва ўз доирасига эга бўлишини таъкидланган[12]. АҚШлик антрополог К.Ф. Коттак томонидан мулоқот маданиятига нисбатан қўллаган кинезис[13] назариясига кўра, мулоқотни тана ҳаракатлари, ҳолатлари ва юз ифодалари орқали ўрганилиши ўзига хос тафовутлардан дарак беради ҳамда мулоқотда ижтимоий таъсир доираларни ўрганиш имкониятини беради[14]. Ўзбеклар анъанавий мулоқот маданиятида ҳам ушбу назарияга хос хусусиятлар кўзга ташланиб, ишнинг илмий аҳамиятини ёритишда фойдаланилди.

Қолаверса, А.К. Байбурин ва А.Л. Топорковнинг ишларида мулоқот вақтидаги мимика ва пантомимикалар, ҳис-туйғулар, меҳмондўстлик ҳамда

---

[6] Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: ЎзМЭ, 2005. 2 жилд. 636-бет.
[7] Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. – Тошкент, 2000. 16-бет.
[8] Байбурин А.К. Топорков А.Л. У истоков этикета / Этнографические очерки. – Ленинград: Наука,1990. – С. 5.
[9] Фердинанд де Соссюр. Курс общей лингвистики / Пер. с французского. – Москва, 2004. – С. 256.
[10] Лотман Ю.М. Люди и знаки. / В кн. Лотман Ю.М. Семиосфера.... – С. 6.
[11] «Kulturkreiselehre» – немисча, маданий доира назарияси. Диффузионизм йўналишларидан бири. Бу ҳақда қаранг: https://ru.wikipedia.org/wiki/тео́рия_культу́рных_круго́в.
[12] Graebner R.F. Methode der Ethnologie. Winter. – Heidelberg, 1911. – P. 86.
[13] Кинезиология (юнонча κίνησις – «ҳаракат», λόγος »билим») – инсон тана ҳаракатларини ўрганувчи фан. Бу ҳақда қаранг: https://ru.wikipedia.org/wiki/кинезиология
[14] Коттак К.Ф. Маданий антропология / Инглизчадан А. Бегматов таржимаси. – Тошкент, 2004. 170–172-бетлар.

совға улашиш, шунингдек, дастурхон атрофида овқатланиш этикетлари юзасидан тарихий-этнографик маълумотлар акс этган[15]. С.А. Лугуев эса ўз тадқиқотларида мулоқот маданиятида ёши, жинси, қариндошлик даражаси, яқинлиги, ижтимоий мансублиги ва этниклик хусусиятларига кенгроқ эътибор қаратган бўлса[16], Ван Дейкнинг фикрича эса, ҳар бир этнос хотирасида унинг эътиқоди ва урф-одатлари яшайди ҳамда ушбу ҳолат нутқий мулоқотда акс этади[17]. С.И. Ожеговнинг фикрича, одатлар ҳамма вақт ҳам мулоқотда ижобий ўрин эгалламайди[18].

Этнологияда мулоқот маданиятини таснифлашда *«меъёрий мезон»* тушунчаси, яъни маълум бир тизимга солинган, ўз чегара доираси ва тарихига эга бўлган қоидалар йиғиндисидан унумли фойдаланилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, этнологияда «анъанавий мулоқот маданияти» бу – миллатга хос бўлган умумий хулқ-атвор меъёрлари ва муносабатларни белгиловчи фаолият бўлиб, этник хусусиятига кўра оила аъзолари, қариндошчилик, қўшничилик ва жамоавий муносабатлардаги ёш даражалари, гендер фарқланишлар, хўжалик ҳамда касбий фаолиятлари, диний эътиқод шакллари, халқ оғзаки ижоди ва моддий маданиятининг ўзида иштирок этиши билан характерланади.

Биринчи бобнинг *«Мавзунинг тарихшунослик таҳлили»* деб номланган иккинчи параграфида муаммонинг ўрганилишига доир адабиётлар таҳлили амалга оширилган. Муаммони тадқиқ этишдаги ёндашувлар шартли равишда Россия империяси, совет даври ва мустақиллик йилларида амалга оширилган ҳамда хорижий тадқиқотларга ажратилди.

Туркистон генерал-губернаторлиги даврида минтақа аҳолиси этник қиёфасини ўрганиш мақсадида мавзуга оид кўплаб қизиқарли маълумотлар тўпланган. Жумладан, Н.П. Остроумовнинг тадқиқотларида маҳаллий аҳолига хос антропологик таснифлар келтирилган бўлса[19], В. Наливкин ва М. Наливкиналарнинг тадқиқотларида Фарғона водийси аҳолисининг оила, жамоавий турмуш тарзи, анъанавий хўжалик ва ижтимоий муносабатларга доир мулоқот этикетлари, аҳолининг самимийлиги, меҳмондўстлиги ҳамда жамоавий муносабатлар лингвистикасига оид этнографик маълумотлар акс этган[20].

Н.С. Ликошин Ўрта Осиё аҳолисининг оилавий ва ижтимоий муносабатлари ҳақида бой этнографик материалларга таяниб, маҳаллий аҳолининг этикет маданиятларига оид 9 та ўзига хос жиҳатларни келтирган ва маданиятидаги этник ҳамда ҳудудий фарқли жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратган[21]. Э.С. Вульфсон Ўрта Осиё ўтроқ аҳолиси моддий

[15] Байбурин А.К., Топорков А. Л. У истоков этикета. – Ленинград, 1990. – С. 110, 133.
[16] Лугуев С.А. Культура поведения и этикет дагестанцев.... – С. 71.
[17] Ван Дейк Т.А. Язык. Познания. Коммуникация. Б.: БГК им. И. А. Бодуэна де Куртенэ, 2000. – С. 161–162.
[18] Ожегов С.И. Лексикология. Лексикография. Культура речи. – Москва: Высшая школа, 1974. – С. 352.
[19] Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. – Ташкент, 1896. – С. 52.
[20] Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань, 1886. – С. 16.
[21] Лыкошин Н.С. «Хороший тон» на Востоке: К полувековому юбилею завоевания русскими Туркестанского края. – Петроград: Тип. Б. Д. Брукера, 1915. – С. 168.

маданияти, хўжалик тарзи ва ижтимоий муносабатларига доир қимматли маълумотларни келтирганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Чунки, мазкур муаллиф оила-никоҳ муносабатлари, дафн маросимлари ва ундан кейин ўтказиладиган марҳумни йўқлаш билан боғлиқ маросимларни ёритишда мулоқот маданиятига оид қизиқарли маълумотларни қайд этган[22].

О.А. Сухареванинг Бухоро шаҳри тарихига бағишланган мемуар асарида маҳаллий аҳолининг бошқа шаҳарлар аҳолиси маданияти ва феъл-атвори билан фарқли хусусиятларини қайд этган. Муаллифнинг таъкидлашича, бошқа шаҳарларда яшовчи аҳоли вакиллари бухороликларни «Ўрта Осиё парижликлари» деб ҳам атаган. Бухороликлар маданиятлилиги, тавозеълиги ва мулоқотда илтифот кўрсатишлари, оддий, бой бўлмаган ораста кийинишлари, бошқаларга тақлид қилмаган ҳолда узун кенг кўйлак кийиб юришлари билан ажралиб туриши[23] ва ушбу шаҳар аҳолисига хос характер ҳамда этник қиёфани мисол сифатида келтирган. О.А. Сухарева Бухоро шаҳри аҳолиси сўзлашиш маданиятида билингвизм (икки тиллилик)нинг кенг тарқалганлигини алоҳида таъкидлаб, маҳаллий аҳолининг кўпчилиги ўзларини «ўзбек» деб билса-да, кўпроқ тожик тилида гаплашишини таъкидлайди[24]. Айниқса, маҳаллий эркаклар кундалик турмуш тарзида ўзбек ва тожик тилларида эркин гаплаша олишини юқори баҳолайди[25].

Лингвист олим Е.Д. Поливановнинг тадқиқотларида эса Самарқанд ва Бухоро аҳолисининг мулоқотида эронча диалектнинг мавжудлиги очиб берилган. Унинг Қарши ва Шаҳрисабз аҳолисининг мулоқот жараёнига бағишланган мақоласида Афғонистон ўзбеклари ҳамда эрон тиллари билан боғлиқ қиёсий мисоллар акс этган. Ушбу тадқиқотларда асосан, мулоқотнинг диалектик жиҳатларига алоҳида урғу берилган[26].

Элшунос олим К.Ш. Шониёзов ўзбекларнинг этник гуруҳлари таркибида алоҳида ўрин тутган қарлуқлар этнографиясини ўрганиш даврида жамоавий ва оилавий муносабатлардаги қариндошлик ришталари, оилада ота-она ҳамда фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, қариндош-уруғчилик анъаналаридаги этикет маданияти ва совчилик анъаналаридаги мулоқот усулларига доир бой этнографик маълумотлар келтирилган[27].

Аҳолининг этнолингвистик жараёнлари ва этнослараро тил муносабатларининг қадимдан то XX аср бошларигача бўлган даврда пайдо бўлиши, тарқалиш тенденциялари ва ўсиш динамикаларига доир тадқиқот натижалари келтирилади[28]. Шунингдек, қозоқ[29] ва қорақалпоқ[30] халқлари

---

[22] Вульфсон Э.С. Как живут сарты?.... – С. 58–78.
[23] Сухарева О.А. Бухара XIX начало – XX вв. – Москва: Наука, 1966. – С. 141.
[24] Юқоридаги асар.... – С. 123–125.
[25] Юқоридаги асар.... – С. 143.
[26] Поливанов Е.Д. Этнографическая характеристика узбеков. Вып. 1. Происхождение и наименование узбеков. – Ташкент, 1926. – 31 с.; Образцы не-иранизованных (сингармонистических) говоров узбекского языка. I. Говор города Туркестана. II. Фонетическая система говора кишлака Икан (Туркестанский уезд) // ИАН СССР. Серия VII. Отделение гуманитарных наук. – Ташкент, 1929. – №7. – С. 511–537.
[27] Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки. Историко-этнографический очерк. – Ташкент, 1964. – С. 130–157.
[28] Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 143–202-бетлар.

этикет маданиятлари ҳам ўрганилиб, ўзбеклар мулоқот маданиятига доир материалларнинг қиёсий таҳлили берилган.

Хорижий тадқиқотларда Марказий Осиё халқларига хос мулоқотнинг юқори коммуникацияси, яъни мулоқот вақтида кузатиладиган перцептивлик (ўзаро-бир-бирини тушуниш) даражаси ва мулоқотнинг иккинчи ракурсда яширинган маъноларни англаб етиш кўпрок назарда тутилишини таъкидланган[31]. Жумладан, Р. Льюис ўз тадқиқотларида ўзбекларни «ишбилармон одамлар» деб баҳолаб, маъсулиятлилик бўйича етакчи деб билган. Бошка халқларга нисбатан ўзбеклар самимий, ишонувчан, туғма ишбилармон, мулоқот вақтида иродалиги ва зукколиги, дадиллиги, эҳтиёткорлиги ҳамда сабр-тоқатлиги сезилиб туради, улар ижтимоий вазиятларга эҳтиёткорлик билан ёндашади. Мулоқот вақтида суҳбатдош олдида ўзини баландпарвоз тутиш ва ўзгарувчан (динамик) жиҳатлари билан ажралиб туришини таъкидлаган ва ўзбекларга хос мулоқот маданиятидаги фазилатлардан 14 тасига алоҳида тўхталган[32]. Ўзбекистон ва Шимолий Афғонистон (Балх, Жузжон, Қундуз) ўзбекларини сўзлашув жараёнларнинг структуравий тузилиши ҳамда диалектикасига оид тадқиқотлар швед-турк олими Г. Ярринг томонидан амалга оширилган[33].

Диссертациянинг биринчи бобига хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, мулоқот маданиятида ўзбекларга хос ибо-ҳаё, ор-номус, сабр-тоқат, андишалик, бир-сўзлилик, қатъиятлилик ва ижтимоийлашиш жараёнларидаги динамик ўзгаришлар кўзга ташланади. Этикет маданиятидаги айнан ушбу жиҳатларнинг ажралиб туриши асрлар давомида ўзбек халқига хос этник қиёфанинг шаклланишига олиб келганлигига урғу берилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Ўзбеклар мулоқот маданиятининг тарихий-этник хусусиятлари»** деб номланган. Мазкур бобнинг *«Ўзбек мулоқот маданиятининг тарихий асослари»* деб аталган биринчи параграфида ўзбек халқига хос мулоқот маданиятининг қадимий илдизлари тарихий материаллар асосида хронологик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Ўзбек миллий мулоқот маданияти тарихини ўрганишда иккита ёндашув кенг тарқалганлигини кузатиш мумкин:

биринчиси, қадимдан ўлкада содир бўлган этнослараро жараёнлардаги этнолингвистик алоқаларнинг ривожланиши асос бўлиб, академик К.Ш. Шониёзовнинг таъкидлашича, шаклланаётган элатнинг тили ва луғавий таркибида маълум бир ўзгаришлар бўлиши мумкин. Мазкур ўзгаришлар

---

[29] Мейрманова Г.А. Культура общения у казахов: трансформация традиционного этикета: Диссертация кандидата исторических наук. – Москва, 2009. – 159 с.; Бекназаров Р. А. Этикет благопожеланий при чихании у казахов: по материалам полевых исследований 2007–2008 гг // www.kunstkamera.ru 978-5-88431-157-2_45.pdf.

[30] Утебаев М.Б. Традиционное и новое в этикете каракалпаков (этнографический анализ). Диссертация на соискание ученой степени философии (PhD) по историческим наукам. – Нукус, 2019.

[31] Hall E.T. Beyond Culture. Garden City. – New York: Anchor Press, 1976. – P. 256.

[32] Lewis R.D. When cultures collide: leading across cultures. – Boston–London: Nicholas Brealey International, 2005. – P. 385–387.

[33] Gunnar J. Uzbek texts from Afghan Turkestan: with glossary. C.W.K. – Gleerup, 1938 – P. 246.

кўпинча турли этник элементларни бир-бири билан аралашиб бориши туфайли ҳосил бўлади. Чунки, халқнинг ўзаро аралашиш жараёни уларни тили (лаҳжалари)нинг ҳам қўшилиб кетишига олиб келади[34];

иккинчиси, турли этник компонентларда диний эътиқодларининг бирлиги, маданий-хўжалик хусусиятларининг ўхшашлиги, моддий маданият ва маънавий қадриятларнинг яқинлиги каби омиллар ҳам ўзбек халқининг кейинги тараққиётига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган[35].

Этнолог У.С. Абдуллаевнинг таъкидлашича, Фарғона водийсида ҳам этнослараро тил муносабатлари антик даврларданоқ бошланган ва ушбу жараён қуйидаги иккита йўналишда ривожланиб борган: биринчи йўналишда тиллараро қоришув (метизация ҳолати) туркий тилнинг турли лаҳжаларида сўзлашувчи уруғ ва қабилалар ичида юз берган бўлса, иккинчисида эса туркий тилли халқлар билан туркий бўлмаган этносларнинг тиллари ўртасида (гибридизациялашув ҳолати) содир бўлган[36].

Тарихда содир бўлган бундай этномаданий жараёнлар натижасида ўзбеклар анъанавий мулоқот маданиятида турли шеваларда сўзлашув маданияти кузатилади. Ўрта Осиёда кечган этник жараёнлар аҳолининг сўзлашиш маданиятида умумий тилни шаклланишини ҳам таъминлаган[37].

Мулоқот маданиятининг тарихий асосларини манбавий тадқиқ этишда мавжуд адабиёт ва илмий маълумотларни тўртта гуруҳга ажратилди:

1. Диний мазмундаги адабиётлар бўлиб, ўз навбатида исломгача бўлган ва ушбу динга оид ғоялар асосида ёзилган тарихий манбалар ҳамда адабиётлар асосида қиёсий ўрганилди[38].

2. Тарихий, панднома ва бадиий мазмунда ёзилган манбалар[39].

3. Ўзбек халқ оғзаки ижоди турлари (мақол, шеър, қўшиқлар)[40].

4. Диссертацияда архив ҳужжатлари материалларидан кенг фойдаланилиши ўзбек мулоқот маданиятидаги трансформацион жараёнларни ўрганиш имконини берган[41].

---

[34] Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. 86-бет.

[35] Қаюмов А.Р. XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида этник ҳолат / Масъул муҳар. А.А. Аширов – Тошкент, 2015. 69-бет.

[36] Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. 183-бет.

[37] Асқаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. 525-бет.

[38] Қуръони Карим. 18, 19, 23, 83, 159, 263- оятлар / Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси. – Тошкент, 2019. – 275 бет; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 1–4 жилдлар. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ (Ишончли тўплам). – Тошкент: Қомуслар, 1997; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2012. – 456 бет.

[39] Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Тошкент: Фан, 1968. 1-жилд. – 117-бет; Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. – Тошкент: Фан, 1960. 1-жилд. – 186-бет; Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1992. – 28–68-бетлар; Муҳаммад Содиқ Қошғарий. Одоб-ас-солиҳин (Яхши кишилар одоби). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 48 бет; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 368 бет.

[40] O`zbek xalq maqollari / Tuzuvchilar: T. Mirzayev., A. Musoqulov., B. Sarimsoqov / Mas'ul muharrir: Sh. Turdimov. – Toshkent: Sharq, 2005. – 512 bet.

[41] Ўзбекистон кино фотофоно миллий архиви материаллари: №1-46358. №2-9879. № 2-9940, № 2-9932. №2-16695, № 0-122558. № 0-40515. № 717. 0-46507, № 061673, № 09024, № 0-94315, № 0-94297, № 2-9983, № 1-26446, № 1-45487, № 0-14489, № 0-60331, № 2 -10576, № 0-60108, № 0-49897, № 1-2526, № 0-49897, № 0-155495, № 2-9940, № 0-122558. № 0-103812, № 1-50415, № 0-103812, № 0-88979, № 0-54211.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, миллий мулоқот маданиятининг шаклланишида нафақат ушбу ўлкада яшаётган халқлар, балки қадимдан ўлкага турли тарихий даврларда кириб келган этносларнинг этногенези ва этник тарихида кузатилган этнослараро муносабатларнинг таъсири катта бўлган.

Диссертациянинг иккинчи боби иккинчи параграфи *«Мулоқот маданиятидаги рамзий белгиларнинг этнолокал хусусиятлари»* деб номланган. Мазкур параграфда ўзбек халқи мисолида мулоқот маданиятидаги рамз ва белгилар таҳлил қилинган. Тариҳдан маълумки, ўзбек халқининг узоқ ўтмиш тарихи давомида миллий мулоқот маданиятининг этник ва ҳудудий ўзига хослигига хос рамзий белгилар ҳам шаклланган. Этномаданиятда бу муҳим масала бўлиб, уларни ўрганишда иккита гуруҳ, яъни *семиотик* ва *проксемика*[42]га ажратиш мулоқот маданиятининг этник хусусиятларига аниқлик киритиш имконини берди. Суҳбатдошга инсонлар мулоқот маданиятидаги семиотик компонентларнинг этник хусусиятлари ва ижтимоий аҳволи хусусидаги маълумотларни беришда муҳим роль ўйнайди. Унда кишиларнинг ақлий ва руҳий олами, туйғулари ҳамда дунёқараши акс этади[43]. Таснифига кўра, улар: моддий буюмлар орқали, таомлар орқали, устки ва бош кийимлар орқали, тақинчоқлар орқали, танани бўяш ва татуировкалар орқали, соч ва соч турмаклари кабиларда акс этади[44]. Тарихий манбаларда бош кийимларнинг семиотик белгилари ҳақида маълумотлар мавжуд[45]. Масалан, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний» панднома асарида мулоқот жараёнида кузатиладиган проксемик хулқ этикетларига доир масалаларга ҳам эътибор қаратилган[46].

Э. Холл томонидан проксемикада инсон фаолияти ва маконнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги таълимотнинг асослари яратилган[47]. Нидерландиялик этнолингвист Ван Дейкнинг фикрига кўра, мулоқот маданиятида вазиятли моделлар ва стереотип воқеалар урф-одат ҳамда ҳис-туйғулар атрофида қурилади ва аниқ маълумотларни англата бошлайди. Ўз таъсирига кўра, микро (ёки локал) ва макро (ёки глобаллик) жиҳатларини намоён этади[48]. Унинг бир текисда бўлмаслигини жинсий фарқлар, қариндошлик даражаси, ижтимоий мансублик ва ёш ўртасидаги тафовутлар билан изоҳлайди[49]. Инсоннинг мулоқотга киришиш даражаси шахсий макон билан чекланган

---

[42] Проксемика (инглизча *proximity* – яқинлик) – мулоқотнинг фазовий ва вақтинчалик белгилар тизимини ўрганиш билан шуғулланади. Бу ҳақда қаранг: https://ru.wikipedia.org/wiki/Проксемика

[43] Ремпель Л.И. Цепь времен (Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии). – Ташкент, 1987. – С. 31.

[44] Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари..... – 274 бет; Ўша муаллиф: «Авесто»дан мерос маросимлар. – Тошкент, 2001. – 30-бет; Давлатова С.Т. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида... – 260-бет; Салимов Т.Ў. Нурота ва нуроталиклар... – 125-бет; Жабборов И.М. Ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 119-бет.

[45] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.... – 190-бет.

[46] Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. – Тошкент: ЎзМЭ, 2011. – 59–60-бетлар.

[47] Байбурин А.К. Об этнографическом изучении этикета / Этикет у народов Передней Азии: Сборник статей. – Москва, 1988. – С. 32–33.

[48] Ван Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. С англ. яз. под ред. В. И. Герасимова. - Москва: Прогресс, 1989.– С. 15.

[49] Байбурин А.К. Жилище в обрядах и представлениях восточных славян. – Ленинград, 1983. – С. 34.

бўлиб, унинг чегаралари муайян вазиятга қараб ўзгариб туради ва унга кириш баъзида инсонларда ноқулайлик ҳиссини туғдиради[50].

Мулоқот этикетларидаги масофани тўртта гуруҳга бўлинади ва уларнинг ҳар бири узоқлиги ёки яқинлигига кўра ажратилган[51]. Қуйидаги жадвалда ўзбек халқига хос мулоқот маданиятининг проксемик хусусиятлари дала тадқиқотлари асосида қиёсий ўрганилди.

2.1-жадвал.

Мулоқот маданиятида ҳудуд ва чегара сақлаш майдони					
		Яқин масофа	Шахсий масофа	Ижтимоий масофа	Жамоавий масофа
Э. Холл назарияси кўра		15–45 см.	45–120 см.	120–350 см.	350–750 см.
Ўзбекларда	Эркаклар	50–100 см.	100–200 см.	100–250 см.	100–300 см.
	Аёллар	0–50 см.	50–150 см.	50–180 см.	50–200 см.

Мулоқот маданиятида ҳудуд ва чегара сақлаш майдони ўзбекларда ёш хусусиятлари, жинсий фарқланиши ва эътиқод нормаларида белгиланган тартиб ҳамда қариндошлик муносабатлари муҳим белгиловчи омил бўлиб келган. Мазкур омиллар мулоқот жараёнида ҳудуд ва чегарани белгилашда ўзгарувчанликнинг юқорилиги ҳамда бир масофада сақланишнинг имконияти йўқлигини кўрсатди.

Ўзбек мулоқот маданиятининг семиотик тизимлар асосидаги таҳлили аҳолининг географик жойлашуви, хўжалик шакли, моддий турмуш тарзининг хилма-хиллиги ва эътиқод кўринишлари асосий белгиловчи ҳамда таъсир этувчи омил сифатида қайд этилган.

Хуллас, этнослараро тил муносабатлари антик даврларданоқ бошланиб, ўз хусусиятига кўра, туркий тилнинг турли лаҳжаларида сўзлашувчи уруғ ва қабилалар ичида юз берган метизация ҳолати ҳамда туркий бўлмаган этносларнинг тиллари ўртасида гибридизациялашув ҳолати содир бўлганлигини кузатиш мумкин.

Мавзунинг тарихий манбалар, халқ оғзаки ижоди ва архив материаллари асосида ўрганилиши ўзбек мулоқот маданиятидаги ўзгаришлар динамикасини аниқлаш имконини беради. Ўзбек анъанавий мулоқот маданиятида семиотик ва проксемик хулқ масалалари кўпроқ жамоавий муносабатлар, маросим ва анъаналарда сақланиб келаётганлиги ҳамда унга инсонларнинг эътиборсиз эмаслиги маълум бўлди. Проксемик хулқ мезонларини тадқиқ этиш халқнинг этник қиёфаси ва стереотип масалалари ҳамда тизимлаштирилган одоб-ахлоқ меъёрларини ўрганиш имконини берган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ўзбек оиласи ва қариндошлик муносабатларидаги мулоқот маданияти: анъанавийлик ҳамда ўзгаришлар»** деб номланган. Ушбу бобнинг *«Ўзбекларнинг саломлашиш,*

[50] Лугуев С.А. Культура поведения и этикет дагестанцев... – С. 133.
[51] Hall E.T. The Hidden Dimension. – New York: Doubleday, 1990. – P. 113–131.

мурожаат ва хайрлашиш этикетлари» деб аталган дастлабки параграфида саломлашиш ҳар бир халқ мулоқот маданиятининг ибтидоси бўлиб, у ўзининг хусусиятига кўра, локал, миллий ва умуминсоний кўринишларга ажратиш мумкинлиги элшунослик материаллари асосида ўрганилган. Тарихий манбаларда саломлашиш маданияти бўйича тарихий[52] ва диний адабиётлар[53] таҳлил қилинган.

Этнолингвистик тавсифга кўра, салом берувчи ва қабул қилувчилар ўртасида турли вазиятларда ёши, жинси, хўжалик ҳамда касбий фаолияти, ижтимоий ва маданий воқеиликдан келиб чиқиб, салом бергандан сўнг миллий сўз ҳамда иборалардан кенг фойдаланилади. Суҳбатдошнинг соғлиги, ота-онаси ва қариндошларининг омонлиги ҳақида сўралади. Бунга жавобан, дастлаб *«яхши», «раҳмат», «худога шукур»* сўзлари қўлланилиб, ўзи ва яқин қариндошлари сўралади. Жумладан, Фарғона водийсида «яхши» сўзи ўз маъносидан ташқари «*бойлик*» ва «*хотиржамлик*» маъносида ҳам қўлланишини тасодиф эмаслиги, буни мусулмонларга хос улуғ фазилатлардан бири бўлган саломлашиш ҳамда меҳмондўстлик кўрсата олишни англатган[54]. Шунингдек, сўрашиш одатида «*раҳмат*» сўзнинг кўп қўлланишини исломий ахлоқ қоидалари билан боғлаш мумкин[55]. Бундан ташқари, саломлашишда минтақада *«эсонми» (эсанми), «омонми»* иборалари ҳам қўлланилади ва ушбу иборалар қадимги туркийларга хос мурожаат шакли бўлган[56]. Саломлашишдаги ушбу лисоний тавсиф қўшни қозоқ ва қорақалпоқ халқларида ҳам худди шу мазмунда қўлланилади[57].

Ўзбекларда саломлашиш одатига кўра, соғлиги ёки кундалик турмушида муаммолар бўлган тақдирда ҳам уларни яшириш ҳамда ошкор қилинмайди[58]. Сўрашиш одатидаги бундай ёндашиш ислом дини асосий дини бўлган мамлакатларда ҳам кенг тарқалган бўлиб, ушбу ҳолат Яқин Шарқ арабларининг мулоқот жараёнида яққол кўзга ташланади[59].

Дала этнографик тадқиқотлар жараёнида ўзбеклар орасида сўрашишнинг икки хил ҳолати: *навбатма-навбат*[60] ва *бир вақтда* (параллел) сўрашиш кенг тарқалганлиги аниқланди[61]. Бу жиҳатдан ўзбекларда ҳудудий фарқлар ва этнолокал хусусиятлар кузатилади. Жумладан, Бухоро ва Фарғона ўзбекларида паралел сўрашиш одати кенг тарқалган бўлиб, унинг узоқ давом этишига қараб яқинлик ва қариндошлик белгилари англанган бўлса, Сурхондарё қўнғиротларида эса навбатма-навбат сўрашилиб, одатда, ёши катталарга навбат берилган.

---

[52] Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк..... – 13-бет.
[53] Қуръони Карим. «Нисо» сураси. 86-оят / Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси.... – 91 бет..
[54] Наливкин В. Наливкина М. Очерк быта женщины..... – С. 25.
[55] Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний... – 66–67-бетлар.
[56] Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк... – 106-бет.
[57] Мейрманова Г.А. Культура общения у казахов: трансформация традиционного этикета. Дисс. к.и.н. – М., 2008.; Утебаев М.Б. Традиционное и новое в этикете каракалпаков..... – С. 22.
[58] Дала ёзувлари. Бухоро вилояти аҳоли пунктлари. 2016 йил.
[59] Погорельский П.И. К описанию этикета у арабов Хадрамаута (некоторые материалы) / Этикет у народов Передней Азии. – Москва: Наука, 1988. – С. 111.
[60] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани. 2021 йил.
[61] Дала ёзувлари. Бухоро вилояти Ғиждувон тумани. 2018 йил.

Хайрлашиш одатида саломлашиш вақтидаги каби рамзий ҳаракатлар такрорланиб, эзгу тилаклардан *«соғ бўлинг», «омон бўлинг», «ишларизга омад», «яхши кунларда яна кўришайлик», «тўйларда кўришайлик»* ҳамда ўзаро хурсандчилик ва самимий ҳурмат маъносидаги *«меҳмонимиз бўлинг»* такаллуфидан ҳам фойдаланилади. Хайрлашиш вақтининг ниҳоясида суҳбатдошларнинг сўзларида плеоназм[62]нинг кузатилиши ҳам аҳамиятлидир.

Хуллас, ўзбекларда саломлашиш, сўрашиш ва хайрлашиш этикет маданиятига эътибор қаратмаслик ёки муносабат билдирмаслик кундалик ҳаётда ижтимоий зид воқеа саналиб, унда ёш хусусиятларга кўра, кичикнинг каттага эътиборли бўлиш тамойили етакчи омил ҳисобланган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи *«Оилавий ва қариндошлик муносабатларидаги мулоқот маданиятининг этноҳудудий хусусиятлари»* деб номланади. Маълумки, оила ўз фарзандларини тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириш орқали бошланғич ижтимоий йўналишни берадиган жамоадир[63]. Таъкидлаш жоизки, бугун оила миллат шарафини юқори мартабага кўтарадиган маданият ўчоғи, ижтимоий ҳаётнинг кичик, лекин муҳим ячейкаси сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда[64].

